

Маҳалла

23 (677)

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри

2009 йил 10 июнь, Чоршанба
1996 йилдан чиқа бошлаган

ISSN 2010-7013

www.mahalla.uz
mahalla@sarkor.uz

Маҳалла фуқаролар йиғинида

ЎЛМАС ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИ

Мирзо Улуғбек ва жаҳон илм-фани

Бугун Самарқандда "Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси" мавзuida халқаро илмий конференция бошланади.


Тадбир жаҳон астрономия фани ривожига бекиб қўйган қўшган, улкан кашфиётлари билан ўша пайтдаёқ бутун дунёда доврқ қозонган буюк бобомиз таваллудининг 615 йиллигига бағишлаб ташкил этилмоқда.

Конференцияда Ўзбекистон, Франция, Италия, Россия, Туркия, Япония, Хитой, Эрон, Ҳиндистон, Бангладеш, Озарбойжон каби қатор мамлакатлардан олимлар, эксперт ва мутахассислар, юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этади.

Бугунги ҳаётимизга теран нигоҳ, ҳолис назар билан боққан инсон истиклол йилларида мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари олиб бориётгани ва туб янгиланишлар рўй берётганига ғувоҳ бўлади. Айниқса, маҳалла ва қишлоқларимиз кўриқтаровати янада ўзгаллашиб, аҳоли турмуш фаровонлиги ошиб бораётгани кўнгилларда ғурур уйғотади.

Маҳалла кишини жамият билан уйғун яшашга ўргатадиган, ёшларни эзгу урф-одат ва қадриятларга эш этиб тарбиялайдиган қутлуг маскан. Таъбир жоиз бўлса, маҳаллада инсонлар бир оила фарзандларидек аҳил-иноқликда умргузаронлик қилишади. Халқона иборида айтсак, маҳаллада ҳамма бир тан, бир жон бўлиб яшайди. Шунданми, бошқа халқлар ўзбек маҳалласи ҳаётига катта қизиқиш билан қарашади.

Маълумки, маҳалланинг ободлиги унда истиқомат қиладиган аҳолининг аҳил-иноқлиги, саранжом-сариштирилиши,



оқсоқолнинг фидойилиги ва ишбилармонлигига ҳам боғлиқ. Маҳаллаларда тонг саҳардан қиз-жувоқларнинг қўчаларга сув сепиб, сулураётганини, одамларнинг бир-бирига эзгу тилак изҳор этиб сўрашаётганини, нурунийларнинг юрта тинчлик, ёшларга эзгу умр тилаб, дуо қиладиганини кўриб қувонасан киши. Зеро, асрлар давомида

маҳаллада шаклланиб келган ободлик, тозаллик, қўни-қўшниларнинг яхши-ёмон кўнларда бирга бўлиши, муаммоларни меҳр-оқибат асосида бартараф этиши каби хал-

қимзининг ўлмас қадрият ва одатлари бугун ҳам инсонларнинг эзгу мақсадлар йўлида бирлаштираётир.

Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

ИЖТИМОЙ ҲАЁТ > [2]

БОЗОРЛАРНИНГ КЎРКАМЛИГИ ФАРОВОНЛИКДАН НИШОН

Тошкент Буюк Ипак йўлида жойлашгани боис қадимдан Ўрта Осиёнинг сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий ҳамда савдо марказларидан бири бўлиб келган. Бу масканга ҳар йили юзлаб савдо қарвонлари келиб турган.

Шаҳарнинг Чор Россияси томонидан истило қилинишида иштирок этган рус расоми В.Веришчагин бу ҳақда шундай ёзди: «Савдо масаласига келсак, Тошкентнинг рақибни йўқ. У Ўрта Осиёнинг асосий савдо йўлида жойлашган, Бухоро ва Қўқондан Россияга ва аксинча юрадиган қарвонлар тўхтаб ўтадиган шаҳардир».

Ҳақиқатан ҳам, Тошкентда савдо қадимдан ривожланган. Бу ерда бир неча бозорлар фаолият кўрсатган. Ўша пайтда бозорлар савдо-сотиқ жойига эмас, балки шаҳар аҳли ҳордиқ чиқарадиган жой ҳам бўлган. Шаҳар ҳокимининг фармонлари бозорларда жариёлар томонидан эълон қилинган. Ўрта Осиёнинг



бошқа йирик шаҳарлари каби, Тошкентда ҳам ҳайит ва рўза кўнлари бозоршаб (кечки бозор) бўлган. Бозоршабда шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири ёки майдони безатилиб, йўлнинг икки четидаги чойхона ва дўконлар олди-

га чорполар қўйилган, турли хил мева-оват маҳсулотлари сотилган. Карнай-сурнай ва ноғоралар чалиниб, махсус жарчилар одамларни бозоршабга чорлаган. Ўша кун

бақалари бўлиб ўтган. Шаҳардаги энг қадимги савдо масканлардан бири Эски Жува бозоридир. Эски Жува Себзор даҳасидаги қадимий маҳалланинг номи. Вақт ўтиши билан ушбу қадимий маҳаллада пайдо бўлган бозор шу ном билан атала бошлаган.

Профессор Х.Ҳасанов «Эски Жува» — маҳалла номи, ҳарбий асқалар омбори (Жувахона) бўлигидан бу жой шундай ном олган, дейди. Бошқа бир олим С.Қораев «жиба» — «сову» маъносини англатишини айтади. XV-XVI асрда Тошкент ўраси билан бирга, қурол-аслаҳа омбори ҳам янги жойга, ҳозирги «Қоратош» ва «Олмазор» маҳаллалари ҳудудига қўчирилди. Омбор жойи эса эски жиба, яъни эски омбор номида қолади. Вақт ўтиши билан «жиба» — «жува» кўринишини олиб, «эски жува» деб аталган.

МАЪНАВИЯТ > [4]

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ)

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) қуйидаги вазифаларга эга:

- фуқаролар йиғинини чақиради;
- раис маслаҳатчилари, фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда маъмурий комиссия раислари ва аъзоларининг номзодини сайлаш учун фуқаролар йиғинида тақдим этади;
- қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари, йиғин ва унинг кенгаши қарорларининг ижро этилиши устидан жамаотчилик назоратини амалга оширади;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, судда, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилади;
- йиғин маблағларини қонун ҳужжатларига мувофиқ тасарруф этади;
- ўзини ўзи бошқариш органи номидан шартномалар, шу жумладан, меҳнат шартномалари тузади;
- фуқароларни қабул қилади, уларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини кўриб чиқари;
- ички ишлар органларининг профилактика бўйича тегишли инспектори (нозири) билан биргаликда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади;
- фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатта олишнинг туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш ва никоҳдан ажратиш, оталиқни белгилаш каби турларини белгилаган тартибда бажариши мумкин.
- Аҳоли пунктида нотариус бўлмаган тақдирда раислар (оқсоқоллар) қонунга мувофиқ:
- васыятнома ва ишончномаларни тасдиқлайдилар (автотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно).

Асосий тушунчалар

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

Диккат, кўрик-танлов!

Бугунги кунда маҳаллаларда ёш авлод тарбиясига, уларни миллий ғурур ва ифтихор туйғуларига асосида тарбиялашга кенг эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бераётир. Хусусан, халқимизга хос бўлган умуминсоний қадриятларини, юксак ватанпарварлик ҳиссини ёшлар онгига синдиришда «Қадриятлар бешигидан, азиз маҳаллам» шиори остида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинган «Маҳаллам тарихини ўрганаман» республика кўрик-танловининг алоҳида ўрни бор. «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилаётган жорий йилги кўрик-танловда маҳалла ёшларининг нафақат назарий, балки амалий билимларига, ўз чиқишларида фуқаролар йиғинлари фаолиятининг моҳиятини қай даражада очиб бера олишига ҳам баҳо бериш назарда тутилган.

Мазкур кўрик-танлов низоми билан 3-саҳифада танишасиз.


Бунёдкорлик йўлида

ҚИШЛОҚЛАР ЧИРОЙ ОЧАДИ

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини бугунги кун талаблари даражасига келтиришга жиддий эътибор берилляпти.

2009 йилнинг биринчи чорагида Қашқадарё вилоятида умумий майдони 205 минг квадрат метрга тенг уй-жойлар фойдаланишга топширилди. 2009-2015 йиллар мобайнида намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқ жойларда яқка тартибда уй-жой қуришни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган дастурда жорий йилда аҳоли, қорхоналар ва банклар маблағлари ҳисобидан умумий майдони 755 минг квадрат метрга тенг уй-жойлар фойдаланишга топширилиши

кўзда тутилган. Давлат дастурида минтақаларда энг янги қурилиш технологиялари, замонавий қурилиш материаллари ҳамда буюмларидан фойдаланган ҳолда айрим аҳоли пунктларини намунавий қуриш режалаштирилган. Шу асосда Қарши туманидаги Янги Хонобод қишлоғи учун 33 гектар ер майдони ажратилди. Аҳоли пунктининг бош режаси республика шаҳарсозлик кенгаши томонидан маъқулланди. Бу ерда қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Кел-



гусида ушбу замонавий қўрғончада 252 та уй-жой, мактаб, болалар боғчаси ва бошқа зарур объектлар барпо этилиб, барча қўлайликлар яратилади.

Бугунгача вилоят бўйича 123 та қишлоқ аҳоли пунктининг бош режаси ишлаб чиқилди. Улар воҳанинг турли туманларидаги 23 та қишлоқ ҳудудига жойлашади. Эслатиб ўтиш жоизки, жо-

рий йилда вилоятда қишлоқ аҳоли пунктлари қурилишини режалаштиришни ташкил этиш, турар жой ва ижтимоий соҳа объектлари барпо этилишини лойиҳалаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида 13 миллиард 184 миллион сўм маблағ ажратилади.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ, «Маҳалла» мухбири.

Республикамиз маҳаллаларида

МАСЛАҲАТЧИЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДИ

Нукусда Қорақалпоғистон Республикасидаги маҳаллалар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг беш кунлик ўқув-семинари бўлиб ўтди.

«Ойлада фарзанд тарбияси», «Шахсининг ривожланиши ва шаклланишига таъсир қилувчи омиллар», «Ойла — улуксиз таълимнинг асосий бўғини», «Хотин-қизлар ва болага етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш», «Жамият ва оила» «Диний экстремизм, терроризм ва сепаратизмга қарши кураш» деб номланган мавзулар, дарслар тингловчиларда катта таассурот қолдирди. Семинар давомида маслаҳатчилар Нукус шаҳар ИИБ ҳузуридаги қаровисиз ёки адашиб қолган воғта етмаган болаларни асраш маркази, Хўжайли туман Халқ таълими бўлимига қарашли рус тилига ихтисослашган 27-сонли болалар боғчаси ва шу тумандаги 1-сонли Меҳрибонлик уйи иш фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Мазкур ўқув-семинар «Маҳалла» жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ва Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг қўшма қарори асосида ташкил этилди. Тадбир республикада мавжуд 352 та фуқаролар йиғинларида фаолият юритаётган 336 нафар маслаҳатчи иштирок этди.

Қуатбай ЕСЕНБАЕВ

ЗАМОНАВИЙ ҚУЛАЙЛИК

Андижон вилояти Жалоқуд туманидаги «Янги сар» маҳалласида истиқомат қилувчи 2 ёшдан 16 ёшгача бўлган фарзандлари бор оналарга берилдиган нафақа пулининг тенг ярми «Халқ банки»нинг тумандаги филиали томонидан пластик қарточкаларга ўтказиб берилди.

Туман савдо ишлаб чиқариш ҳиссалорлик жамияти томонидан ажратилган 20 миллион сўм эвазига ҳудуддаги дўконлардан бири қайта таъмирланиб, ишга туширилди.

— Мазкур савдо шохбаси «Халқ банки»нинг филиали томонидан берилган кредит эвазига қўндалик эҳтиёж моллари билан тўлдирилгани маҳалла аҳли учун қўлайлик яратди, — дейди йиғин раиси Парийбой Алиев. — Эндиликда харидорлар бу ердан истемол учун зарур бўлган сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини пластик қарточкалар орқали харид қилиш имконига эга бўлдилар.

Ўзқобой САҚОНБОВ, «Маҳалла» мухбири.

170 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ

Жиззах шаҳридаги «Сайхон» маҳалласида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида кенг қўлми бунёдкорлик ҳамда ободончилик ишлари олиб боришмоқда.

Маҳаллада қишлоқ ҳўжалиги, сут ва ғўшт маҳсулотларини қайта ишлашга, халқ истемол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳамда аҳолига сервис хизмати кўрсатадиган қорхоналар ишга туширилгани аҳоли эҳтиёжларининг тулқ қондирилишига имкон яратди. Ўтган қисқа вақт ичида ҳудудда қандолатчилик, озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлайдиган, маҳаллий хомашдан қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган ўндан зиёд қорхоналар барпо қилинди. Энг муҳими, шу йўл билан қарийб 170 нафар фуқаро иш ўринларига эга бўлди.

Абдували ҚАРШИЕВ, «Маҳалла» мухбири.

БЎЛИМ РАИСИ САЙЛАНДИ

«Маҳалла» жамғармаси Навоий вилояти бўлимининг навбатдан тошқари VI конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирок этди.

Тадбир кун тартибига кўра, жамғарманинг вилоят бўлими раисини сайлаш масаласи кўриildi. Анжуманда сўзга чиққанлар вилоятда олиб борилаётган ободончилик ва бунёдкорлик ишлари, йиғин масъуллари ва фаоллари олдига турган долзарб вазифалар, маҳалла оқсоқолларини ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида тўхталиб ўтишди. Таклиф ва мулоҳазалар ўрганиб чиқилиб, Жалил Норов конференция иштирокчилари томонидан «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими раиси этиб сайланди.

Анжуманда вилоят ҳокими, сенатор Эркин Турдимов ҳамда «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов иштирок этди.

Маруза АТОҚУЛОВА, «Маҳалла» мухбири.

ЎРҒОЗГА ГАЗ КЕЛДИ

Қўрама тоғ тизмаси ён-боғида жойлашган Ўрғоз қишлоғи аҳоли яна бир замонавий қўлайликдан баҳраманд бўлди. Гап шундаки, туман марказидан 35 километр олисдаги қишлоққа табиий газ бордин.

— «Қизилсой» маҳалласи ҳудудига жойлашган Ўрғоз қишлоғида 910 нафар аҳоли яшайди, — дейди «Қизилсой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хидирали Бўрибоев. — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ҳукуматимиз томонидан қўрсатилаётган гамўрликларнинг аҳамияти нечоғли катталлигини дилдан ҳис этиб туришимиз, 6 километр масофага қувур тортилиб, Ўрғоз қишлоғига ҳам табиий газ олиб келингани ҳаммамизнинг қувонтириди.

Дарҳақиқат, бугун Оҳангарон туманидаги олис қишлоқларни газлаштириш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Ўрғозни газлаштириш ишларига икки юз миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Бундан сал олдинроқ «Ўзодлик» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуддаги «Янги бино» маҳалласи ҳам газлаштирилган эди.

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ, «Маҳалла» мухбири.

ТИББИЙ ЁРДАМ МАРКАЗИ

Яқинда «Маҳалла» жамғармасининг Охунбобоев тумани бўлими, туман ҳокимлиги, прокуратура ва соғлиқни сақлаш бўлимлари билан Бешкапа қишлоғидаги врачлик пункти қошида одам савдосидан жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш маркази очилди.

Туман ҳудудидан қорийк далавларга ишлаш учун чиқиб кетган, маълум муддат чет элда бўлиб, сўнг уйига қайтган фуқаролар марказ томонидан рўйхатта олинди. Улар тиббий қўриқдан ўтказилиб, касаллик аломатлари кузатиладиганларга тиббий ёрдам кўрсатилляпти. Марказда ҳафтанинг ҳар сешанба кунин 9 нафар малакали шифокор иштирокида хорижда бўлиб қайтган фуқаролар қабул қилинади.

Бундан ташқари, туман бандликка қўмаклашувчи маркази бундай фуқароларни иш билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Алжон МИРЗАБОВ, «Маҳалла» мухбири.

Ўрмон ака асли ёзёвонлик. Туман марказидан унчалик олис бўлмаган Қумқиллоқ маҳалласида воёга етган. Узққ йиллар вилоят мусикали драма театрида меҳнат қилди.

ЎРМОН АКАНИНГ КЎПРИГИ

Қумқиллоқ ва Сойбўйи маҳаллалари шундоққина ёнма-ён жойлашган. Уларни Ёзёвон сойи ажратиб туради. Соининг кўприги йўқлиги сабабли икки маҳалла одамлари ўртасидаги бори-келди узалиб қолган, соининг у томонига ўтиш учун туман марказини айланиб боришга тўғри келар эди. Ўрмон ака нафақага чиққач ушбу муаммони ҳал этишга киришди. Кунда-кунора 40-50 қақирим масофа йўл босиб Фарғонага қатнади. Вилоят йўли қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси мутасаддиларига масалани тушунтирди.

Никоят Сойбўйи ва Қумқиллоқ маҳаллаларини боғловчи кўприк қурилиши бошланди. Икки маҳалланинг ҳам ишга яроқли аҳолиси ушбу ҳаётда курувчилар билан елкама-елка туриб меҳнат қилдилар.

Яқинда кўприк фойдаланишга топширилди. Маросим чинакам байрамга айланиб кетди. Уша кунни вилоят йўли қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси маъмурияти Ўрмон Ўрзовга янги велосипед совға қилди.

Алижон МИРЗАБОВ,
«Mahalla» мухбири.

Оқсоқолнинг кўнглида нима гаплар бор?

ЭЗГУ НИЯТ ЙЎЛИДА

Бундан икки йил аввал Хатирчи тумани марказида ташкил этилган «Янгиробот» қишлоқ фуқаролар йиғинига катта ҳаёт тажрибасига эга Зиёдулла Ўроқовни раисликка сайлашди. Асли касби ўқитувчи-агроном Зиёдулла ака умр бўйи маҳаллада ишлаган: салкам ўн беш йил «Оқ-олтин» қишлоқ фуқаролар йиғинида котиблик қилди, кейин маҳалла оқсоқолига муовин ва узққ йиллар шу йиғинга раис бўлди.

Зиёдулла ака ишни маҳаллаларнинг қиёфасини ўзгартиришдан бошлади. Худуддаги 29 та гузар замонвий усулда таъмирланди. Қишлоқ фуқаролар йиғинининг маҳаллаларга бош бўлишида Зиёдулла аканинг камтарлиги, одамлар билан тил топишиб, бамаслаҳат иш тутиши қўл келди. Йиғин ҳудуддаги барча муаммолар секин-аста ижобий ечимини топа бошлади.

— 26 мингдан зиёд аҳолининг қувончу ташвишларига шерик бўлиш осон эмас, — дейди З.Ўроқов. — 5050 та оиланинг иқтисодий аҳоли, ижтимоий-маънавий турмушдан ҳабар олиб туришининг ўзи бўлмайди, албатта. С.Раҳимов номидagi, «Дамарик», Р.Маҳматов номидagi, «Самарқанд», «Янғиробот» маҳалла фуқаролар йиғинларининг оқсоқоллари ва фаоллари барча хайрли ишларда яқин кўмакдошим. Уларнинг кўмагида тўй ва матрикалар тартибли ўтказилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя масаласи устувор вазифаларимиздан ҳисобланади. Маҳаллаларимиз аҳолининг ҳамжihatлиги тўғрисида ҳудудимизда истикомат қилаётган 485 та кам таъминланган оила, 887 та ноғирон, 22 та уруш фахрийлари ҳолидан ҳаммаша ҳабар олиб турибмиз. Наврўз байрами кунларида маҳаллалар ҳисобидан 18 та кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўғри ўтказиб берилди.

Худудимизда 7 та мактаб, 2 та касб-хунаро коллежи, 1 та лицей интернат, 48 та ташкилот ва корхона жойлашган. Улар билан ҳамкорлик ўрнатганмиз.

Зиёдулла Ўроқов айтганидек, худуддаги корхона ва ташкилотларнинг беминнат ёрдами тўғрисида «Янгиробот» қишлоқ фуқаролар кундан-кунга обод бўлиб бормоқда. Биргина «Фарход Араб» фермер хўжалиги раиси Ғ.Арабонинг ўзи «Ширин-обод» гузари кўчасини таъмирлаш учун 3,5 миллион сўм маблағ ажратди. Бундай саховатпеша тadbirkorлар қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда жуда кўп.

Янғироботда аҳолига

Маҳалла фуқаролар йиғинида

ЎЛМАС ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИ

< 1

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Дўмбиробод» маҳалласида ҳам бу қадриятларга тўла амал қилинади. Янги қад рoстлаётган иншоотлар, кўчаларнинг озодалиги маҳаллага ўзгача шукӯҳ, файз бағишлаб турибди. Ким билан суҳбатлашманг, одамхонлик билан кейинги йилларда худудда олиб борилган бунёдкорлик ишлари ҳақида тўққинчилик гапирари.

— Маҳалламиз, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2003 йил 24 октябрдаги қарорига асосан, аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида «Катта Дўмбиробод» маҳалласидан ажратилган ҳолда ташкил этилган эди, — дейди «Дўмбиробод» маҳалласи оқсоқоли Комилжон Каюмов. — Бугунги кунда маҳаллада 9000 дан ортиқ аҳоли истикомат қилади. Кейинги йилларда ҳудудимиз томонидан маҳаллага берилаётган катта эътибор ва ишонч тўғрисида худудимиз янада чирой очди. 2006 йили йиғирмадан ортиқ

миллат вакилларининг фаоллиги, бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилиш натижасида ҳашар йўли билан маҳалла гузарига фуқаролар йиғини идорасини бунёд этдик. Ҳозирда бу масканда маҳалланинг турли йиғинларини ўтказиш учун хоналар ва мажлислар зали ташт ҳолда, барча шарт-шароитлар яратилган. Яқинда маҳалла озодалигини сақлаш мақсадида чиқиндилар учун махсус иншоот қурилди. Бундан ташқари, келажакда фуқаролар йиғини ҳудудда спорт мажмуаси ҳамда врачлик пунктини барпо этишни режалаштиряпмиз. Ҳозирда савдо шохобчаси ва милиция таянч пункти биносини қуриш ишлари бошлаб юборилган.

Маҳалладаги 26 та кўпқаватли уй ва 2000 дан ортиқ қўй-жойларда 3500 мингга яқин оила истикомат қилади. Агар бирор оилда муаммо чиқса, фаоллар, нуронийлар иштирокида бамаслаҳат бартараф этилади. Масалан, яқинда аҳолининг мурожаати билан кўпқа-

ватли уйларга ҳомийлар ёрдамида темир эшиклар ўрнатилди. Йўлакларга курсилар қўйилди, иссиқ ва совуқ сув қувурлари, кўпқаватли уйларнинг идорасини бунёд этдик. Кўчаларга асфальт ётқизилди.

— Маҳалламизнинг «Дўмбиробод» деб номланганининг ҳам ўзига хос тарихи бор, — дейди маҳалла нуронийларидан бири Йўлдош ота Мансуров. — Қадимда маҳалламиз худудидан Ширин, Дархон каби ариқлар оқиб ўтгани бу жойлар деҳқончилик қилишга қўлай бўлган. Тошкентнинг «Бешёғоч», «Гулистон», «Чақар» маҳаллаларининг аҳолиси бу ерларда дала ҳовли барпо этишган. Айтишларича, Мирсалом исми кoсoб биринчилардан бўлиб худудни обод қилган. У кишининг лақаби «дўмбира» бўлган. Шу боис, одамлар бу ерда барпо этилган қишлоқни ҳам «Дўмбиробод» деб аташган. Ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг «Ўлоқда» ҳикоясида ҳам «Дўмбиро-

бод» маҳалласининг номи тилга олинади.

Худудда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйини нишонлашга катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, жорий йилда 30 минг дoна гул кўчатлари ўтқазиб режалаштирилган эди. Шу боис, эрта баҳордан кўчаларга гул, мевали ва манзарали дарактлар кўчатлари экилмоқда. Бу маҳалланинг чиройига қўйилади.

— Мактаб, мактабгача таълим муассасалари билан «Оила»-маҳалла-мактаб концепцияси асосида ҳамкорликни йўлга қўйганмиз, — дейди фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мавжуда Шониезова. — Ўқувчиларнинг мактабга боришлари доимо назорати-мизда. Агар бирор бола сабабсиз дарс қолдирса, ўқитувчилар бизга мурожаат қилишади. Биз ота-оналар билан гаплашиб, муаммони бартараф этиш ҳаракат қиламиз. Мактабда оталар мажлиси мунатазам ўтказиб турилади.

Бундан ташқари, маҳалламизда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бўлинимаси фаолият юртади. Ўқувчилар мактабдан бўш вақтларда спорт билан шуғулланишади. Ҳар йили маҳаллалар ўртасида ўтказилаётган мусобақаларда ёшларимиз совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда.

Фуқаролар йиғини ҳудудда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида ҳам кўплаб ишлар олиб бoрилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 25-26 март кунлари пoйтахтимиздаги Алишер Навoий номидagi Ўзбекистон Миллий бoғида бўлиб ўтган бўш иш ўринлари ярмаркасида ҳам маҳалланинг 30 нафарга яқин фуқароси ишти бўлди. Шу билан бирга, маҳалла фаоллари худуддаги уй бекаларини иш билан таъминлаш учун касаначилик ва кичик бизнесни ривожлантиришга катта эътибор бeраётир. Натижада аҳолининг турмуш фаровонлиги ошмоқда.

Ўқтам ХУДОЙҚУЛОВ,
«Mahalla» мухбири.

ТАЙЁР МАҲСУЛОТ АФЗАЛ

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг улкан ресурс базаси ва етакчи тармоғи бўлган, қайта ишлаш саноати учун муҳим манба ҳисобланган мева-сабзавотчилик, боғдорчилик ва чорвачиликни ривожлантиришга ҳамда бу соҳаларни ислоҳ қилишга эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўйилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида Тайлоқ туманида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилда 76 минг 375 тонна сабзавот, 52 минг 702 тонна картошка, 990 тонна полиз, 28 минг 101 тонна мева, 34 минг тонна узум, 12 минг тонна гўшт ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, тармоқда фаолият кўрсатаётган субъектлар томонидан ноънавий эканларни экиш, улардан мўл ҳосил олиб аҳоли эҳтиёжларини қондириш мақсадида 126 гектар майдонда кунгабоқар парварishi қилинмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, ҳошимни қайта ишлаш ҳисобига мавсумда 68-70 тонна ёғ олиниши кутилмоқда.

Тайлоқда фақат ҳошимё эмас, балки тайёр истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ҳам жиддий эътибор қаратилаётгани ҳамда уларнинг аксарияти экспорт қилинаётгани эътиборга молик, албатта. Мисол учун, жорий йилнинг 1 чoрагида 5 млн. 635,8 минг АҚШ доллари миқдoрида ташқи савдо операциялари амалга оширилган. Бунда тумандаги «Сиеб саховати» кўшма корхонаси ҳамда «Богизогон» масъулияти чекланган жамияти аъзоларининг улуши салмоқли бўлди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»

Давлат дастури ижроси бўйича туманда гўшт ва сўт маҳсулотларини қайта ишлайдиган 4 та корхона қурилиши белгиланган. Янги пайтда ишлар бошлаб юборилди.

Бундан ташқари, устувор режага кўра, жорий йил охиригача «Чорва — паранда — барак», «Мамарасул соҳибқир» фермер хўжаликлариди парандачилик, «Тайлоқ», «Пайшанбасиёб» фермер хўжаликлариди эса гўшт ва сўт ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бешта фермер хўжалигиди бoр бири бир гектардан иборат 5 та иссиқхонани ишта тушириш кўзда тутилган. Таъкидлаш жоизки, туманда мажбур имкониятлардан самарали фойдаланиш чoра-тадбирлари ишлаб чиқилиб, улар амалиётда таъбиқ этилиши натижасида 810 минг дoна тукум, 110 тонна иссиқхона маҳсулотлари, 400 тонна сўт, 6,1 тонна асал ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Бу ишларни амалга оширишга фермер хўжаликлари томонидан 321 миллион сўм, тижорат банклари томонидан эса кредит ҳисобидан ажратилган 151 миллион сўмлик маблағ сарфланмоқда.

Хуллас, туманда ҳoшимё эмас, тайёр маҳсулот чиқаришга ва унинг асосий қисмини экспорт қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Давр нуқтаи назаридан қараганда, бу каби тadbirkorлар қишлоқ турмуши учун энг мақбул ва самарали воситадир.

Ўқтам ҚУРБОНОВ,
«Mahalla» мухбири.

Касаначилик шарофати

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда «Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий Дастури»га мувофиқ, Қашқадарь вилояти бўйича 2009 йилнинг ўтган беш ойи давомида 1151 та янги иш ўрни яратилди. Улар, асосан, қишлоқларда парандачилик, балнчилик, асарчиликни ривожлантириш ҳисобига амалга оширилди. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бoш бoшқармасининг маълумотига кўра, келгусида яна 8605 та иш ўринлари яратилади.

Юртбошимизнинг «Йи-

рик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чoра-тадбирлари тўғрисидаги Фармони бу бoрада алоҳида аҳамият касб этаётир. Вилоят бўйича фармон доирасида жoрий йилнинг дастлабки беш ойида 1217 та иш ўрини яратиш мўлжалланган эди. Олиб бoрилган амалий ишлар, ўтказилган тadbirkorлар тўғрисида 1607 киши ишти бўлди.

Қурбон ЭҒАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.



Гиёҳвандлик — иллат

НАРКОАГРЕССИЯНИНГ ЁВУЗ ЧАНГАЛИ

ундан ёш авлодни асраб қолиш учун ҳамкорликда кураш талаб этилади

Ўтган асрдан янги асрга «мерос» бўлиб ўтган иллатлардан бири гиёҳвандликдир. Аслида, бундан олти юз йил олдин ҳам наркотик моддалар истеъмол қилинган экан. Тарихий манбаларда айрим ёвуз химсалар ўзларининг жирканч мақсадларини наркотик моддалар таъсирига тўғри қўйган кишилар ёрдамида амалга оширишга уринган ҳақида маълумотлар бор. Гиёҳвандлик дaрдида мўлғало бўлган одамлар лаҳзалик сархушлик ортидан оиласи, яқинларидан ажрамoқда, умрини ҳазонга айлантирмоқда, ҳар йили озолаб кишиларнинг ёстиғи қуримоқда.

Наркобизнес катта даромад манбаи ҳамдир. Шу боис, гиёҳванд моддалар дунёнинг турли қитъаларида етиштирилиб, тарқатилмоқда. Ундан тушган маблағ, асосан, қурол-яроғ сотиб олиш, терроризм ва уюшган жиноятчиликни қўллаб-қувватлаш ҳамда наркоагрессия қўламини кенгайтиришга сарфланяпти. БМТ маълумотларига кўра, наркотик моддаларни етиштириш ва уларнинг ноқонуний айланиши бўйича Афғонистон нафақат қитъадаги, балки, етакчи мамлакатлардан бири бўлиб, етиштирилаётган героиннинг 92 фоизи шу юрт ҳиссасига тўғри келади.

Бугунги кунда қўшни давлатда етиштирилаётган наркотик моддалар бир неча йўналиш бўйича дунёнинг турли ҳудудларига етказилмоқда. Ана шу йўналишлар орасида «Шимолний маршрут», дея номланган йўл айнан Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар ҳудудидан ўтган. Мазкур йўналиш орқали Афғонистонда етиш-

ни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази ишлаб турибди. Мамлакатимизда ҳар йили «Қоралори», деб номланган кенг қамровли тadbirkorлар ўтказилмоқда. Бундай тadbirkorлар давомида гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ ҳолатлар аниқланиб, жиноятчилар қўлга олинмоқда. Юқориди ном қайд қилинган марказнинг маълумотларига кўра, 2007 йилда республикаимиз бўйича наркотик моддалар билан боғлиқ жами 9435 та жиноят аниқланган эди. 2008 йилда бу кўрсаткич 10200 тани ташкил этди. 2008 йили 3 тонна 550 килограмм наркотик модда мусoдала қилинди. Бу 2007 йилдагидан 1 тонна 436 килограмм кўп демакдир.

2007 йилда ўтказилган «Қоралори» операциясида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимлик ўстириш билан боғлиқ 1163 та ҳолат аниқланган эди. Ўтган йилги тadbirkorлар аниқланган бундай ҳолатлар сони 1298 тани ташкил этди.

Хўш, сўнгги йилларда юртимизда мусoдала қилинаётган гиёҳванд моддалар ҳажмининг кўпайишига нима сабаб бўлимоқда? Бу ҳолатни икки муҳим омил билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, мамлакатимиз ҳуқуқини муҳофаза қилиш идоралари томонидан наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш самарали олиб

борилмоқда. Иккинчидан, халқаро миқёсдаги наркобизнес билан шуғулланадиган жиноий гуруҳларнинг фаолиятини қўзғатилаётир. Бу жараёнинг хавотир уйғотадиган томони шундаки, транзит қилинаётган гиёҳванд моддаларнинг минтақадда қoлаётган миқдoри йил сайин ортмоқда. Давлат ва жамият манфаатларига зид бу ҳолат, ўз навбатида, қўллаб-қувватлашчи қўшма ишларнинг гиёҳвандлик иллатига қилинишига жисмонан ва руҳан мажбур бўлишига олиб келмоқда. Оқибатда бу иллат жиноятчиликнинг сезиларли даражада ошиши билан бирга, бошқа ижтимоий муаммоларни ҳам тўғрилайтир.

Қай эши ҳошим, катта миқдордаги наркотик моддаларни халқаро ташкилотларнинг вакиллари, жамоатчилик, маҳаллий ва жаҳон оммавий ахборот воситалари ҳoдимлари иштирокида йўқ қилиш маамлакатимизда анъана тусини олган. Бу амалиётта ilk бор 1994 йили қўл урилганди. Ушанда 14 тонна наркотик модда ёқиб юборилган. Мамлакатимизда шу пайтга қадар жиноий ишлар бўйича ашврий далил сифатида олинган 42 тонна гиёҳванд модда, суд ҳукмлари кучга кирганидан сўнг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Наркотикларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси аъзолари томонидан

дан йўқ қилинди.

Яқинда Тошкент шаҳри Сирғали туманидаги заводлардан бирида мусoдала қилинган гиёҳвандлик воситаларини йўқ қилиш бўйича навабдаги тadbirkorлар бўлиб ўтди. Унда БМТнинг наркотик моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси Марказий Осиё минтақавий ваколатхонаси, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар ҳозир бўлишди. Идораларо комиссия аъзолари иштирокида 1711 килограмм наркотик воситалар, жумладан, 501,2 килограмм героин, 1104 килограмм опий, 90,5 килограмм наша, 11,3 килограмм марихуана, шунингдек, катта миқдордаги кўкнори похoли, наша ўсимлиги, таблетка ва эритмалар шаклидаги психотроп препаратлар Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати томонидан ҳукумат топшириғига кўра ёқиб юборилди. Ушбу тadbirkorларда қатнашган халқаро мутахассислар ва хорижий журналистлар Ўзбекистоннинг наркобизнесига қарши изчил кураш олиб бoраётганини қўқори баҳолашди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда гиёҳвандликка қарши курашда йўлга қўйилган идораларо ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда. Республика Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Божхона қўмитаси ва прокуратура идораларининг ҳамкорлигида олиб бoраётган савий-ҳаракатлари тўғрисида гиёҳванд воситалар савдоси ва уларни етиштириш билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олишда катта ютуқлар қўлга киритил-

моқда. Бу бoрадаги фаолиятни мувофиқлаштириш Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази томонидан амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Наркотикларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, бошқа ваколатли вазирлик ва идоралар билан наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш, гиёҳвандлик тарқалишининг олдини олиш, идораларо ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бермоқда. Аҳоли ўртасида маъруза, семинар ва анжуманлар ўтказилиб, уларда ҳуқуқатли фильмлар, кўргазмалар воситалари ёрдамида гиёҳвандликнинг оқибатлари намоиш қилиняпти.

Бир сўз билан айтганда, гиёҳвандлик иллатининг илдиларига болта уриш фақат ваколатли идоралар зиммасидаги иш эмас, балки кенг қўламли ҳамкорликда кураш олиб бoришни талаб этади. Шундай экан, бу бoрада меҳнат жамоалари, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига яқиндан ёрдам бeришлари лoзим. Зеро, ёш авлодни, миллий гeнофондиимизни наркоагрессиянинг ёвуз чангалига тўғри қoлишдан асраш, гиёҳвандликка қарши ҳамкорликда курашни ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Норали ОЧИЛОВ,
ИИБ Матбуот маркази бoш инспектори, лейтенант.

Иш билганга балли

МЕҲНАТИГА ЯРАША РОҲАТИ

Бугунга келиб, фермер ҳўжалиги раҳбари ҳўжалик юрти-нинг бозор тамойилларига тобора мослашмоқда. Қўшқоқ ҳўжалик илмини пухта эгаллаган бундай раҳбар ҳўжалик юрти-нинг ҳўқуқий шартлари, шўнунгидек, шартномавий мажбуриятлар ҳўсу-сида ҳам тўла маълумотга эга.

Жойларда бўлгани синга-ри Зафаробод туманида ҳам фермерчиликка жиддий эъти-бор қаратилаётгани соҳанинг ривожланишида муҳим омил бўлапти. Ер ва мулк эгаси бўлган фермерлар ўзларига билдирилган ишонч, берил-ган имтиёзлар боис, деҳқон-чиликка самарадорликка эри-шиб, иқтисодий ўсиш таъ-минланмоқда. Буни қўшқоқ аҳолиси турмуш фаровонли-гида кузатиш мумкин.

Тумандаги 1124 та фермер ҳўжалигининг аксарияти иш-лаб чиқаришдаги, айниқса, деҳқончиликдаги улуши кўпайиши ҳисобидан маҳал-лий бюджетга мўйай даромад келиб тушапти. Қувонарлиси, мулкдор даражасига етган фер-

мерлар сони юз нафардан ошиб кетди. Уларнинг сый-ҳаракати ва ҳиммати эвазига туманда қўлинаётган савобли ишлар кўлами ҳам кенгаймоқ-да.

2008 йили ва жорий йил-нинг ўтган даври мобайнида саховатпеша инсонлар ҳисоби-дан 2,5 километр ички йўллар капитал таъмирланди, 1,7 ки-лометр узунликда қувур тор-тилиб, истеъмолчиларга таби-ий газ узатилиди, 1,1 километр электр тармоғи янгиланди. Кам таъминланган ва боқув-чиси йўқотган оила аъзолари-га 8,6 миллион сўмлик му-рувват ёрдамлари кўрсатилди. 13 нафар ёлғиз қарияларнинг уй-жойлари капитал таъмир-ланиб, улар учун етарли ша-

роит яратиб берилди.

«Қўшқоқ» қўшқоқ фуқаро-лар йиғини ҳудуддаги жамоа-лар орасида «Фурқат» фермер ҳўжалигининг ўрни алоҳида. Деҳқончиликнинг сир-синоа-тидан чуқур хабардор бўлган миришкорлар ўтган йили 20 гектар ердаги галланинг ҳар гектаридан қариб 40 цент-нердан, 19,1 гектар майдон-даги пахтанинг гектаридан 30 центнердан ошириб ҳосил олиб, шартномавий режани ортиғи билан урдалашди. Пи-роваридида 5 миллион сўмдан ортқ соф фойда кўрилди.

— Бу йили мўлжалими-янада улкан, — дейди «Фур-қат» фермер ҳўжалиги раҳба-ри Саидазиз Исмолов. — Ўтган йилнинг кузига 36 гек-тар ерга галланинг «Чиллаки» навини қадагандик. Ерга мез-ёрда минерал ўғитни солиб, галлани икки марта сўғордик. Маҳаллий ва минерал ўғитга тўйинган галлазор баравж ри-

вожланди. Экинларни занг ка-саллиги ҳамда ҳашаротдан ҳимоялаш учун агротехник тадбирлар амалга оширилди. Натижаси эса, кўнгидагидек бўлмоқда. Ҳар гектар ердан 55 центнердан, жами 198 тонна галла етиштиришни, 24,2 гек-тар ердаги «Бухоро — 201» навли пахтадан эса ўртача 35 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаб турибмиз. Насиб қилса, пахта ва галладан 10 миллион сўмдан зиёд соф фойда оламиз.

«Фурқат» фермер ҳўжали-ги нафақат деҳқончиликда, балки ободончилик ва меҳр-мурувват кўрсатиш ботида ҳам кўпларга ибрат. Буни уларнинг қўшқоқ фуқаролар йиғини иж-тимоий ҳаётидаги иштироки мисолида кўрса бўлади. Ҳўжа-лик ўтган йили 12 та кам таъ-минланган оилага 100, 200 ки-лограммдан бугўй тарқатди. 20 нафардан фуқаронинг қорва молларига хашак етказиб бер-

ди. Қўшқоқ марказида ташкил қилинган ҳашарда фаол қат-нашиб, 2000 квадрат метр ерга шағал тўқирди, икки нафар пенсионернинг ҳовли-жойини таъмирлашга қўмаклашди.

Ўтказилган байрам тадбир-ларида фермер ҳўжалиги ўз дала-сида етиштирган маҳсулот-лари билан дастурхонга фойз киритди. Шунингдек, 6 на-фар кам таъминланганлар ҳолидан хабар олиб, уларга мурувват ёрдами кўрсатди. Ҳўжалик аъзолари деҳқончи-ликдан келадиган даромад-нинг бир қисмини қўшқоқ ободончилиги учун ажратиш-моқда. Қолаверса, улар «Қўшқоқ тараққиёти ва фаро-вонлиги йили» Давлат дасту-рининг ўзларига тегишли бан-ди ижросини изчил таъмин-лаб, бу борда ҳам олдинги-лар қаторида боришмоқда.

Абдували ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

«Mahalla» жавоб беради

НАФАҚА ОЛИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Савол: — Мен 2007-2008 ўқув йилида Бухоро туманидаги 42-сонли умумтаълим мактабиди ишладим. Фарзандли бўлганимдан сўнг, бола тарбияси билан шугулланаман. Турмуш ўртоғим вақтинча ишсизлиги сабабли, фарзандимиз олти ойлик бўлганида фуқаролар йиғинига икки ёшгача бўлган болаларга тўланадиган нафақани сўраб мурожаат қилган эдим. Лекин оқсоқол маошим ва ҳомилдорлик пайтида олинадиган нафақани ҳисоб-лаб, бир йилгача ёрдам пулини ололмаганимни тушунтирди. Оқсоқолнинг қарори тўғрими? Болага тўланадиган нафақани олиш тартиби ҳақида батафсилроқ маълумот берсангиз.

Мавлуда ТЎҚСОНОВА,
Бухоро тумани

Жавоб: — Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунча қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низо-га асосан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган-лари бола икки ёшга етгунча қадар ишламайдиган оналар-га ойлик нафақа тайинлай-ди. Нафақа бола туғилган ойдан бошлаб ўн икки ой мўд-датгача бериллади. Эҳтиёж бўлган тақдирда, ўн икки ой-лик мўддат тўғашидан бир ой олдин такроран мурожа-ат қилиш мумкин.

Агар оилада икки ва ундан ортқ бола парвариш қилина-ётган бўлса, улардан энг ки-чиси икки ёшга тўлгунча қадар бир кишилик нафақа бе-рилиши лозим. Қарамоғида но-ғирон бола бўлган ёки болани ёлғиз парвариш қилаётган шахсларга нафақа, оила да-ромидаги миқдоридан қатъи назар, тайинланади. Ёш бола боқиб вақтинчи ишнинг аниқ ҳолатларидан келиб чи-

қиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари белгилай-ди. Бошқа ҳолатларда нафақа олишнинг охириги ўн икки ой давомидаги даромадидан келиб чиқиб тайинланади. Бунда киши бошига тўғри келадиган даромад энг кам ойлик иш ҳақининг бир ярим баравари-дан кам бўлиши зарур. Даро-мад таркибига солиққа тор-тиладиган барча даромадлар, пенсия, стипендия ва ижти-моий тўловлари бошқа нафақа-лар (бола икки ёшга етгунча қадар тайинланадиган нафақа бундан мустасно), шунингдек, шахсий томоққанд олинадиган даромадлар қиради. На-фақа олиш учун фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш ор-ганига тўғилганлик тўғрисида гувоҳнома, аёвал ишлаганлар учун меҳнат дафтрафиси, за-рур ҳолатларда врач масла-хат комиссияси ҳўлосасининг бола ноғирон эканлигини тас-диқловчи нусхалари, оиланинг даромади тўғрисида маълум-отнома ариза билан бирга тақдим этилади.



Ҳўкуматимиз томонидан кичик бизнес ва ҳўсуий тадбиркорлик ҳамда қасана-чилик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бунинг нати-жасида жойларда янги ишлаб чиқариш субъектлари ташкил топмоқда. Ҳўсуан, Андижон шаҳридаги «Қаландархона» маҳалласида яшовчи Комилжоновлар оиласи тикувчилик цехида қурилиш ташкилотлари учун махсус иш кийимлари ва кўпоқлар тикишни йўлга қўйиб, юз нафардан ортқ хотин-қўзни иш билан таъминлади.

СУРАТДА: Дилором ва Камолхон Комилжоновалар иш устида.

Тўраҳон ҒАҒУРОВ олган сурат.

“Маҳаллам тарихини ўрганаман” республика кўрик-танловининг НИЗОМИ

I. Кўрик-танловнинг мақсади

“Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам” шiori ости-да ўтказилаётган “Маҳаллам тарихини ўрганаман” респуб-лика кўрик-танловининг асо-сий мақсади ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, ёш авлод онг-шуринида ватанпарварлик, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни-ни ардоқлаш каби улдуғвор фазилатларни шакллантириш, қолаверса, ҳар бир маҳалла-нинг тарихи ҳамда мустақил-лик йилларида эришган ютуқ-ларни моҳиятини, ҳудуднинг ўзига хос турмуш тарзи ва барҳаёт анъаналарини тарғиб этишдан иборатдир.

II. Кўрик-танлов шартлари

Кўрик-танлов Қорақалпо-ғистон Республикаси, вилоят-лар ҳамда Тошкент шаҳри ту-ман(шаҳар)ларидаги маҳалла ёшлари иштирокида ўткази-лади. Унда ёшлар ўртасида миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни тарғиб этиш ҳамда ҳар бир маҳалла-нинг тарихи топиши, номла-ниш тарихи, ривожланиши-га ҳисса қўшган фидойи ин-сонларнинг ибратли ҳаёт йўли ва фаолияти, маҳаллалардаги ўзига хос анъаналар тўғриси-да маҳалла ёшлари ўртасида маънавий-маърифий таби-рлар, учрашув ва давра сўх-батлари ташкил этилади.

Кўрик-танлов ишти-рокчилари 3 та турда бўйича ўзаро беллашадилар. Ҳар бир шарт 10 баллан баҳоланиб, умумий баллар жамланган

ҳолда ғолиблар аниқланади.

1-шарт. Кўрик-танловда қатнашш учун фуқаролар йи-ғини ҳўзурдаги “Ёшлар би-лан ишлаш комиссияси”нинг иш фаолияти ва “Оила—маҳал-ла—мактаб ҳамкорлиги” кон-цепцияси доирасида олиб бо-рилаётган ишлар ҳақида тўлиқ маълумотлар қўйидаги 8 та йўналиш бўйича туман (шаҳар), вилоят ва республика ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилади:

1) маҳалланинг тарихи ҳамда мустақиллик йиллари-да эришган ютуқлари ҳақида тўлиқ маълумот;

2) маҳалла ёшларининг (7-30 ёш) паспорт ҳақида умумий маълумот;

3) фуқаролар йиғини ҳўзурдаги “Ёшлар билан ишлаш” комиссиясининг фао-лияти ва эришган ютуқлари ҳақида маълумот (комиссия-ни ташкил этиш тўғрисидаги фуқаролар йиғинининг қаро-ри, комиссия таркиби ҳамда аъзолар ўртасида белгиланган вазифалар тақсимооти, иш ре-жаси ва унинг ижроси);

4) “Қамолот” ёшлар иж-тимоий ҳаракати томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бо-шқариш органлари қўшида тузилган Етакчилар Кенгаши фаолиятининг йўлга қўйил-ганлиги ва қўлга киритган муваффақиятлари;

5) миллий ва умуминсо-ний қадриятлар, халқимиз-нинг бой тарихий, маънавий мероси асосида ёшларни ва-танпарварлик, меҳнатсевар-лик, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида умум-

таълим муассасаларида тузил-

ган “Оила—маҳалла—мактаб” ҳамкорлик марказлари билан ишлаб чиқилган чора-тадбир-лар режаси ва натижалари;

6) маҳаллада миллий ҳўнармандчилик ишларига ва турли тўғарақларга воғга ет-маган ёшларнинг жалб этил-ганлиги;

7) ҳудудда бунёд этилган спорт майдончалари ва тўга-рақлар фаолияти ҳамда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тар-зини тарғиб этиш борасида амалга оширилган ишлар;

8) маҳаллада ёшларнинг бўш вақтини унумли ўткази-ши ва маданий ҳўрдиқ чиқа-риши учун яратилган шарт-шароитлар тақдими.

Маълумотга маҳалла тари-хини акс эттирувчи тегишли ҳўужжатлар ҳамда фотоальбом, буклет, плакат ва стендлар илова қилиниши лозим.

2-шарт. “Маҳалламиз тари-хидан” деб номланган ушбу шартга қўра жамоа иштироки-лари ўзлари яшаб турган ҳудуд-нинг тарихи, ўзига хос турмуш тарзи, қадриятлари ва анъана-ларини тарғиб этиш ҳамда ёшлар онгига ота-боболардан қолган бархиз меросни синг-дириш борасида олиб борила-ётган ишлар, мустақиллик йил-ларида эришилган ютуқлар ҳақида сўзга қўйишнинг намои-иш этилади. Намойиш вақти 10 дақиқадан ошмаслиги керак.

3-шарт. Маҳалла ҳудудида жойлашган ҳар бир мактабнинг 9-синф ўқувчилари ўртасида “Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам” шiori остида “Ма-

ҳаллам тарихини ўрганаман”

мавзусида энг яхши ишлар та-новли ўтказилади. Халқ таъ-лими бўлимлари томонидан танлов ғолиблари аниқланган, тегишли тасвинома билан 1, 2 ва 3-ўрин совриндорлари ёзган ишлар тўман (шаҳар) ва вилоят ҳакамлар ҳайъати тақдим этилади.

Ижодий ишларни баҳо-лашда, асосан, ўқувчи-ёшлар томонидан маҳалланинг тари-хий ҳўсуиятлари, миллий қадриятларимизнинг аҳамияти, мустақиллик йилларида эри-шилган ютуқлар ҳамда маҳал-ла тарихининг тўлиқ баён этилганлиги ва ёшларнинг ўз маҳалласи тарихини ўрганишга бўлган қизиқиши, ҳудуддаги ўзига хос анъаналар, шунинг-дек, гўшлада истиқомат қилган машхўр ва фидойи инсонлар фаолиятининг кенг ёритили-шига эътибор қаратилади.

Кўрик-танловнинг 1, 2-шартлари бўйича туман (ша-ҳар) ва вилоят босқичида иш-тирок етдиган жамоалар тар-киби 6 нафар ўсмир (3 нафар ўғил, 3 нафар қўзил)дан иборат бўлиб, улар шў маҳаллада ис-тиқомат қилиши шарт.

Кўрик-танловда иштирок-етувчи жамоалар ўз номи, шiori ва кўкрак нишонига эга бўладилар.

III. Кўрик-танловни ташкил этиш

Кўрик-танлов жойларда “Маҳалла” жамағармасининг

бўлим ва бўлимчалари, “Қа-молот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий ва маҳал-лий бўлимлари ҳамда Халқ таълими босқармаси ва бўлимлари ҳакаморлигида ту-зилган ҳакамлар ҳайъати (ишчи гуруҳи) томонидан ўтказилади.

IV. Кўрик-танлов босқичлари

Биринчи босқич июнь-июль ойларида туман (шаҳар)ларда тегишли ишчи гуруҳ томонидан маҳаллалараро ўтказилиб, ҳар бир туман (ша-ҳар)дан битта маҳалла жамоа-си танлаб олинди ва Қора-қалпоғистон Республикаси, вилоят ҳамда Тошкент шаҳри ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилади.

Иккинчи босқич август ойида ўтказилади. Қорақал-поғистон Республикаси, ви-лоятлар ва Тошкент шаҳри ҳакамлар ҳайъати туман (ша-ҳар)да биринчи ўринни эгал-лаган маҳаллалар жамоалари тақдим этган маълумотлар-ни батафсил ўрганиб, би-ринчи, иккинчи, учинчи ўринларга муносиб ишти-рокчиларни аниқлайди ва уларни рағбатлантириш тўғрисида “Маҳалла” жа-мағармасининг тегишли бўлим босқаруви, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Халқ таълими босқ-

Россиянинг Камчатка ўлкасида тўппонча билан қўролланган ўсмир ўзи ўқиган мактабга кириб, икки синфдошини жароҳатлади. Ушбу хабарни тарқатган оммавий ахборот воситалари жиноятга ўсмирлар ўртасидаги ўзаро келишмовчилик сабаб бўлганини таъкидлашган.

Ўсмир кўлидаги қурол

Бундан икки ойча олдин Озарбойжон пойтахти Боку шаҳридаги давлат нефть ака-демияси биносиди Нодир Ширхон исми ўсмир 14 на-фар одамни отиб ўлдирди, 10 нафар кишига тан жаро-ҳати етказди. Воқеа гувоҳла-рининг таъкидлашича, жи-ноятчи қўлида тўппонча би-лан ичкарига кирган ва йўлида учраган одамга қараб ўқ узган. Кейин эса ўзини-ўзи ўлдирган.

Ушбу фожиаларни эсла-шимиздан мақсад, кейинги йилларда дунёда ўқув юрт-ларига қурол билан кириб, ҳеч бир сабабсиз ўқувчи ва ўқитувчиларни отиб ташлаш ҳоллари тез-тез учрайпти.

Жорий йилнинг 29 март куни эрталаб Германиянинг жанубидаги Винненден ша-ҳарчасидаги коллежга кир-ган, автомат билан қўроллан-ган 17 ёшли ўсмир йўлида учраганларга қараб ўқ уза бошлади. Оқибатда воқеа жойида 15 нафар одам ҳалок бўлади. Коллежга етиб кел-ган полиция билан отишув-да ўсмир ўз жонига қасд қилади. Фожиадан сўнг маъ-лум бўлишича, жиноятчи шў коллежнинг собиқ ўқувчиси экан. Ўсмирнинг уйи текши-риб қўрилганда, у яшайдиган хонадондан 18 та турли ўқ отар қуроллар топилад.

2007 йилнинг кузиди Кельн шаҳрида полиция-нинг фаол ҳаракати тўғай-ли яна бир шундай фожи-анинг олди олинди. Георг Бюхнер номидаги гимназия-нинг 17 ва 18 ёшли икки ўқувчиси бундан бир йил олдин Эмслеттан шаҳарча-сида рўй берган отишмани такрорлашга қарор қилиш-ди. Ўқувчиларнинг нияти-ни билиб қолган синф-дошлари полицияга хабар беради. 2006 йилнинг 20 ноябрь куни Эмслеттанда собиқ ўқувчи ўзи ўқиган мактабга келиб, ўқ отар қуролдан 37 нафар одамга тан жароҳати етказган эди. Гимназия ўқувчилари эса, бу сананинг бир йилдиги-ни нишонлаш учун 17 ки-шини отиб ташлашни режа-лаштиришган экан.

Полиция вакиллари ўсмирлардан бирининг мак-таб интернетигади портал-дан бир неча ўлдирилган одамларнинг суратларини то-пишди. Маълум бўлишича, ушбу жиноятларни икки ўқувчи содир этган. Иккин-чи ўсмирнинг порталдан эса отиб ташланиши керак

Халқаро шарҳ

узоди. Натижада воқеа жо-йида 9 нафар киши жон тас-лим қилади. Кейинроқ по-лиция билан бўлган отишма пайтида Саари ўз жонига қасд қилади. Бу воқеадан бир йил олдин Саарининг ватан-доши, 18 ёшли Пеки-Эрик Аунивен Туусала шаҳарчаси-да лицейга кириб, беш на-фар ўқувчи, бир нафар ўқитувчи ва лицей директо-рини отиб ташлаган эди. Сўнгги ўқ билан ўзини ҳалок қилганди.

АҚШда ҳам бундай во-қеалар тез-тез бўлиб туради. Виржиния технология уни-верситетида 2007 йилнинг апрелида содир этилган отишмани кўпчилик унутга-ни йўқ. Ушанда 23 ёшли жанубий корейлик талаба Чо Сен Ху 32 кишини отиб ўлдирган, яна 30 кишига тан жароҳати етказган эди.

2006 йилнинг октябрь ойида эса пенсильваниялик 32 ёшли юк машинаси ҳай-довчиси диний мактабга ки-риб, олти нафар қизалоқни отиб ташлайди. У бу жино-ятга узоқ тайёргарлик кўрган экан. Мактабга кириб, қиза-лоқларни зўрлайди, кейин қў ҳақда турмуш ўртоғига телефон қилади. Полиция етиб келгунча, у қизларни ва ўзини отиб улгуради.

АҚШ мактабларида сўнгги 20 йилда 80 марта босқинчилар бостириб кир-ган ва болалар ҳамда ўқитув-чиларга қараб ўқ узишган. Қўп ҳолларда ушбу даҳшат-ли жиноятларни мактаб ва коллежларнинг собиқ ўқув-чилари содир этишган.

Ушбу фожиаларни ўрга-ниб чиққан руҳшўнослар-нинг таъкидлашича, жино-

ятчилар ҳеч қачон битта одамни ўлдиргандан сўнг тўхтаб қолишмайди. Илжои борица кўпроқ кишига зарар етказишга уринишади. Кей-ин эса ўзига ўқ узади. Жи-ноятчилар, асосан, топши-тутуши ўртача, ота-оналари доимо бир-бири билан жан-жаллашадиган, нотинч оила-ларда тарбияланган ўсмирлар бўлади. Бундай ўсмирлар спорт билан умуман шугул-ланишмайди, одамлар билан мулоқотга киришавермайди.

Яна шуни таъкидлаш лозим-ки, улар бирор-бир динни тан олишмайди, кўпроқ зўравонлик қилишни ўзла-рича ҳаёл қилиб юришади.

Булар масаланинг руҳий томони, албатта. Лекин му-аммонинг яна бир жиҳати борки, уни ҳал этмасдан ту-риб ҳеч қачон бундай фо-жиаларнинг олдини олиб бўлмайди, дейишдаи мута-хассислар. Гап дўқорларда бемалол қурол сотилиши ҳақида кетяпти. Эътибор бер-ган бўлсангиз, қайси мам-лакатда қурол эркин сотил-са, назорат бўлмаса, ўша ерда ўсмирлар ўртасида жиноят миқдори ҳуду юқори.

Маълумотларга қараганда, Финляндияда ҳар йили 80 минг нафар одам ўқ отар қурол харид қилишга лицен-зия оларкан. АҚШда истган одам тўппонча харид қили-ши ва олиб юриши мумкин. Германия ва бошқа Европа мамлакатларида ҳам қурол олиш истагидида бўлган ўсмир, бемалол уни қўлга кирита олади. Бундан ташқари, ин-тернет сайтлар ҳам тинимсиз зўравонликни тарғиб қи-лмоқда. Энг ёмони, оиладаги тарбия масаласининг оқсаёт-ганидир. Қўпгина Фарб мам-лакатларида фарзанд тарбия-си иккинчи даражада ишга айланиб қолган. Ота-оналар болаларининг нима иш би-лан машғуллигини мутлақо назорат қилмай қўйишган. Улар бунни боланинг эркин бўлиши лозимлиги билан изоҳлашади. Ваҳоланки, эр-кинликнинг ҳам чеки-чегара-си бор.

Жиноят ўз-ўзидан содир бўлмайди. Жиноятга қарда-ки имкон туғилса, шароит яратилса, йўл қўйиб берил-са шу ерда авж олади. Шун-дай экан, жиноят ва фожи-алар камайишини истеган-лар билан, аввало ўсмир қўлидаги қуролни тортиб олиши, унга тўғри таълим-тарбия бериши лозим.

Б.БОБОЁРОВ

риши тавсия этилади:

“Маҳалла” жамағармаси;
“Қамолот” ёшлар ижти-моий ҳаракати;

Халқ таълими вазири-лиги, босқарма ва бўлимлари;
Хотин-қизлар қўмитаси;
Маънавият тарғибот мар-кази;

Маданият ва спорт иш-лари вазири-лиги, босқарма ва бўлимлари.

1-босқич: туман (шаҳар) босқичида аниқланган ғолиб жамоалар “Маҳалла” жамағ-маси бўлинмалари, “Қамо-лот” ёшлар ижтимоий ҳара-кати ва Халқ таълими туман (шаҳар) бўлимлари томони-дан Фахрий ёрлиқ ва эсда-лик совғалари билан ҳамда ҳудуд шароитидан келиб чи-қиб, ҳомийлар жалб этилган ҳолда рағбатлантирилади.

2-босқич: Қорақалпоғис-тон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичи-да аниқланган ғолиб жамоа-лар жойларда “Маҳалла” жа-мағармаси, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Халқ таълими вазири-лиги то-монидан Диплом ҳамда қим-матбаҳо совғалар, иштирок-чилар эса Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақ-дирланади.

3-босқич: Республика бо-сқичида биринчи ўринни қўлга киритган жамоалар билан ҳолда республика кўрик-танлов ҳайъатига кири-тадилар.

VI. Ғолибларни тақдирлаш

Кўрик-танлов иштирокчи-ларини қўйидаги масъул таш-килот вакилларидан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб бо-

